

7-10-2019

## SOCIO-ECONOMIC RELATIONS IN BRONZE IN MIDDLE CENTRAL ASIA

Utkir Ismoilovich Abdullaev  
*Teacher of Urgench State University*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Abdullaev, Utkir Ismoilovich (2019) "SOCIO-ECONOMIC RELATIONS IN BRONZE IN MIDDLE CENTRAL ASIA," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 3 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss3/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

---

## SOCIO-ECONOMIC RELATIONS IN BRONZE IN MIDDLE CENTRAL ASIA

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

## ЎРТА ОСИЁДА БРОНЗА ДАВРИДА ИЖТИМОЙ – ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Абдуллаев Уткир Исмоилович,  
Урганч Давлат Университети ўқитувчиси

*Аннотация:* Мақолада Ўрта Осиёдаги бронза давридаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар масаласи таҳлил этилади.

*Калит сўзлар:* бронза даври, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, хусусий мулк, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, товар айирбошлаш.

## СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ В БРОНЗЕ В СРЕДНЕЙ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Абдуллаев Уткир Исмоилович,  
Преподаватель Ургенчского государственного университета

*Аннотация:* В статье анализируются социально-экономические отношения эпохи бронзы в Средней Азии.

*Ключевые слова:* эпоха бронзы, социально-экономические отношения, частная собственность, сельское хозяйство, кустарный промысел, товарообмен.

## SOCIO-ECONOMIC RELATIONS IN BRONZE IN MIDDLE CENTRAL ASIA

Abdullaev Utkir Ismoilovich,  
Teacher of Urgench State University

*Abstract:* The article analyzes socio-economic issues in the Bronze Age in Central Asia.

*Key words:* bronze Age, socio-economic relations, private property, agriculture, craftsmanship, commodity turnover.

Мил. авв. III минг йилликнинг ўрталарида, Ўрта Осиёнинг жанубидаги Намозгоҳ, Олтинтепа каби йирик марказларида хом ғиштдан қурилган кўп хонали уйлар пайдо бўлган. Бундай уй – жойларда, 3 - 4 кичик оилалардан иборат, ота томонидан қариндош катта патриархал оила аъзолари яшаган. Улар хусусий мулк ва ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиб, мустақил равишда хўжалик юритган [1].

Тараққий этиб борган қишлоқ хўжалиги бу даврда ҳунармандчилик соҳаларининг ривожланиши суръатининг кучайишига таъсир қилди. Худди шу соҳаларда сифатли технологик ўзгаришлар юз бериб, жамият ҳаётида ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг муҳим ўрнини белгилади. Ҳунар

тизимда металлга ишлов бериш, кулолчилик ва заргарлик касблари ихтисослашган хунарга айланиб, деҳқончиликдан ажралиб чиқди.

Металл буюмлари мис, кумуш, олтин ҳамда мис билан қалай ва кўрғошиннинг қотишмаси – бронзадан ясалган. Шунга ўхшаш технологик мукамаллик ва ихтисослашишнинг ўсиб бориши кулолчиликда ҳам кузатилади. Энг аввал, энди сопол идишлар қўлда эмас, балки кулолчилик чархида ясалади. Мисол тариқасида, Олтинтепада фақат ошхона идишлари (кўпроқ қозонлар) қўлда ясалган, бошқалари кулолчилик чархи ёрдамида ишлаб чиқарилган [2]. Бу асбоб кулоллар ишини тезлаштирган, маҳсулот сифатини ва миқдорини оширган. Идишлар янги тузилишдаги катта хумдонларда пиширилган, Олтинтепада 25 та шундай хумдонлар ўрганилган. Энеолит даврига нисбатан сопол идишларни ишлаб чиқариш техникаси такомиллашган[3].

Ишлаб чиқарувчи хўжаликлар ва хунармандчиликнинг ривожланиши аҳолининг ижтимоий муносабатларида катта ўзгаришларга сабаб бўлган. Ихтисослашган касб – хунарлар билан бирга уй (хонадон) хунармандчилигида тўқимачилик, тошдан, ёғочдан ва чармдан буюмлар яшаш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши туфайли, катта оила жамоаларининг озиқ – овқат ва хунармандчилик маҳсулотларини орттиришларига қулай имкониятлар яратилган[4].

В.М. Массоннинг ёзишича, Олтинтепа хунармандчилик, савдо – сотиқ ва қишлоқ хўжалик воҳаси маркази сифатида, ўтроқ аҳолининг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бронза даврида Ўрта Осиёнинг қадимги Шарқ вилоятлари билан боғловчи алоқа – савдо йўллари шаклланиши натижасида, Олтинтепага узоқ масофада жойлашган ва ўзга юртлардан мис маъдани, кумуш, фил суяги ҳамда ложувард, феруза, агат каби минерал тошлар олиб келинган[5].

Хунармандчилик ва айирбошлаш ортиқча маҳсулотни тўплаш асоси бўлган. Бироқ хусусий мулкчилик ва мол айирбошлашнинг ривожланиши фақат археологик маълумотлар орқали ўрганилади, бронза даври тарихига оид ёзма манбалар аниқланмаган. Илк бронза даврида Ўрта Осиё жанубий вилоятларида патриархал оилаларнинг хўжалиги натурал хусусиятга эга бўлиб, ҳаёт учун зарур маҳсулотларни (ғалла, ун, ёғ, гўшт, жун) қўлга киритиш, яъни ўзини – ўзи таъминлаш мақсади билан боғланган.

Олтинтепада ўрганилган қадимги қабрлардан олинган топилмалар – кумуш зираклар ва муҳрлар, олтин ва ложуварддан ясалган маржонлар, кумуш ва фил суягидан ишланган буюмлар, буқа ва бўрининг олтин бошчаси ҳайкалчалари, жамиятда ўз обрўсига эга бўлган ижтимоий қатламларнинг вужудга келишидан дарак беради. Шунингдек бургут ва илон тасвирлари билан безатилган муҳрлар ва тамғалар топилган. Улар айрим тўқ оила жамоаларининг

рамзлари бўлган[6]. Деҳқончилик воҳаларида жойлашган йирик марказлар ва уларнинг атрофидаги қишлоқ хўжалик манзилгоҳларида хўжаликни ташкиллаштириш ва ижтимоий – иқтисодий масалаларни ҳал қилиш жараёни турлича соҳаларда бошқарувни талаб этган. В.М. Массоннинг фикрига кўра, шундай масалалар патриархал оилаларнинг бошлиқларидан иборат оқсоқоллар кенгашида муҳокама қилинган[7]. Бизнингча бундай ижтимоий тизимда, айрим жиҳатлардан, қадимги уруғ жамоаси хусусиятлари сақланиб қолган. Шу билан бирга, катта оила аъзолари томонидан хўжаликни биргаликда олиб бориш, ишлаб чиқариш воситалари ва чорвага эгалик қилиш, алоҳида хоналарга ажратилган умумий уй – жойда яшаш анъаналарини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Олтинтепа деҳқончилик маданияти сунъий суғориш учун сув ресурслари чекланган тоғ олди шароитида ривожланган, мазкур табиий муҳитнинг имкониятлари, аҳолининг босқичма – босқич кўпайиши сабабли, ҳаёт учун етарли даражада озиқ – овқат маҳсулотларини қўлга киритиш талабларини қониқтирмаган. Демографик омиллари таъсирида мажбурий кўчиш ҳолати юзага келиб, ўзлаштирилган ҳудудларнинг катта қисми ташлаб кетилган. Мил. авв. III минг йилликнинг охирига келиб, Зарафшон воҳасидаги Саразм маданияти ҳам тушкунликка юз тутди. Бунинг сабаблари етарлича ўрганилмаган.

Жанубда бронза даври тарихининг кейинги босқичи, мил. авв. III минг йиллик охири – II минг йилликнинг бошларида Марғиёна – Бақтрия цивилизацияси вужудга келишига тўғри келади. Бу цивилизация Қадимги Шарқнинг кенг ҳудудий миқёсда – Шумер, Элам, Шарқий Эрон ва Белужистонда тараққий этган илғор маданиятларга хос белгилари билан ажралиб турган. Улар шаҳарсозлик, меъморчилик, хунармандчилик ва тасвирий санъат намуналарида ўз аксини топган.

Мазкур ишнинг тарихшунослик қисмида Марғиёна ва Бақтриянинг бронза даври маданиятини ўрганишга бир қатор олимлар (В.М. Массон, В.И. Сарияниди, И.С. Масимов, А.А. Асқаров, Т.Ш. Ширинов, Ш.Б. Шайдуллаев ва бошқ.) катта ҳисса қўшганлари ҳақида сўз юритилган эди. Шунингдек бу борада хорижий қадимшуносларнинг тадқиқотларини тилга олиш лозим[8].

Бронза даврида Марғиёна ва Бақтрияда йирик ибодатхоналар ва саройларнинг пайдо бўлишига эътибор бериш лозим. Қадимги Шарқ тарихидан маълумки, ибодатхоналарнинг вазифалари нафақат диний маросимларни амалга оширишдан иборат бўлган эди, улар йирик хўжаликларни ташкил этиб, ер – мулкларга эгалик қилишган[9]. Бу борада Шумер шаҳарлари ҳаётида ибодатхоналарнинг аҳамияти ҳақида адабиётларда шундай маълумотлар келтирилган: “Шаҳар ва унинг аҳолиси – худо мулки, ҳукмдор ёки подшо – коҳин худонинг бошқарувчиси ҳисобланган, Худо ўзига хизмат қилиш мақсадида инсонни яратган, у худонинг хизматкоридир, деган тасаввур мавжудлиги

туфайли, одамлар тирикчилиги мақсади ибодатхона хўжалигида хизмат қилиш ёки худо ва одамлар ўртасидаги воситачи бўлган худо бошқарувчисига хизмат қилиш эди[10]. Меҳнат эвазига ҳар бир озод кишига Шумер ибодатхонаси хўжалигидан ижарага ер берилган.

Давлат ва ибодатхоналар хўжалиги Эламда ҳам ривожланган. Ёзма манбалар маълумотларига кўра, давлат ёки подшо (сарой) хўжалиги (қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик соҳалари) қуллар ва қарам хизматкорлар меҳнатига асосланган[11]. Давлат ерлари алоҳида шахсларга (“чўпон, жангчилар далалари”) ва оила жамоаларига ажратилган, улар ердан олинган ҳосилнинг белгиланган миқдорида ижара ҳақини тўлашган, бироқ ер эгаси (мулкдор) подшо ҳокимияти ҳисобланган[12]. Шунингдек давлат хизматида бўлган шахслар – мансабдорларга ҳамда хунармандларга ер ажратилган. Улар далаларга ишлов беришлари мумкин эди, аммо биринчи галда у ёки бу мансабдор подшо хизмати вазифаларини бажариш, хунарманд эса ўз соҳасига оид маҳсулот ишлаб чиқаришга мажбур бўлган[13]. Шу сабабли, уларнинг оила аъзолари далаларга ишлов беришган ва Қадимги Шарқ ер-сув муносабатларида катта оилалар жамоаларининг ерга эгалик қилиши ўз хусусиятлари билан ажралиб турган[14].

Шумерда подшо – сарой хўжалигига нисбатан ибодатхона мулкдорлиги аввал вужудга келганлиги тўғрисида юқорида қайд этиб ўтилди. У дастлаб қишлоқ жамоалари хўжалиги ишлари билан боғлиқ бўлиб, давлатчилик тизими ривожланиши оқибатида жамоатчилик ер мулкидан ажралиб, ўз хизматчиларига эга бўлади. Уларга меҳнат хизмати учун ғалла, ун, ёғ каби озиқ – овқат маҳсулотлари билан иш ҳақи берилган[15]. Ибодатхоналарга тегишли ерлар ва сунъий суғориш иншоотлари “худо далалари” ва “худо каналлари” деб аталган. Ибодатхоналар ўз хизматкорлари орқали савдо – сотиқ жараёнларида фаол иштирок этишган, узок ёки қисқа муддатли қарз сифатида алоҳида шахсларга кумуш ва озиқ овқат маҳсулотлари ажратиб беришган[16].

Марғиёна ва Бақтрия бронза даври тарихига оид ёзма манбалар мавжуд эмас, шу тариқа юқорида келтирилган маълумотлар Ўрта Осиё жанубий вилоятлари аҳолисининг ижтимоий – иқтисодий муносабатларини очиб беришда ёрдам кўрсатиши мумкин.

Жанубий Бақтрияда (Шимолий Афғонистон) думалоқ шаклда икки қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган Даштли 3 олов ибодатхонаси ёнидаги фақат бир қисми қазиб ўрганилган 110 хонадан иборат уй-жойлар қолдиқлари топиб текширилган[17]. Кўпдан – кўп турар жойлар Марғиёнадаги Тоголок 21 ва Гонур ибодатхоналарида ҳам аниқланган[18].

Археологик маълумотларга кўра, ибодатхоналарнинг марказий қисмларида коҳинлар яшаган ва диний маросимлар амалга оширилган, шунингдек атрофда ибодатхоналар хизматкорлари уйлари жойлашган.

Ўтган асрнинг 70 – йилларида В.И. Сарияниди Бақтрияда ўрганилган бронза даври ибодатхона мажмуаларини Месопотамия (Иккидарё оралиғи) ибодатхона хўжаликлари билан қиёслаб, Даштли воҳасида алоҳида саройнинг мавжудлигини инобатга олган ҳолда, Бақтрияда ягона шахс олий коҳин ва йўлбошчи вазифасини бажарган деб ёзган[19].

Бундай вазият Шумерда худо номидан коҳинлар ҳукмронлик қилган ва ибодатхоналар ҳокимият маркази бўлган даврга тўғри келган, яъни бу даврда бош коҳин ҳукмдор – подшога айланмаган, ибодатхоналарнинг ерларига озод жамоа аъзолари ишлов беришган ва улар худо олдида тенг ҳуқуқларга эга бўлган[20]. Бу тизим ижтимоий – диний ташкилот бўлиб, жамоа аъзоларини бирлаштирган.

Бироқ Марғиёнада сув, ҳосилдорлик ва олов эътиқодларига бағишланган йирик ибодатхоналар, мудофа деворлар ва тўғри бурчак буржлар билан ўраб олинган Гонурдаги катта ҳашаматли сарой (унинг ичида турли вазифаларни бажарган 460 та катта – кичик хоналар мавжуд), ён томонлари нақшинкор манзаралар билан безатилган, олтин ва қумуш идишлар мавжуд бой “подшо қабрлари” топилганидан сўнг[21], Марғиёна – Бақтрия цивилизацияси тарихига доир илмий қарашлар ўзгарди. Шундай қилиб, Марғиёна – Бақтрияга кўчиб келган илғор маданият вакиллари, ўз юртларида уларга аввал маълум бўлган ибодатхона ва сарой хўжалиги жамоаларининг анъаналарини янги асосларда давом эттирганлар.

Бизнингча, Марғиёна ва Бақтрияда ҳам Иккидарё оралиғида сингари ибодатхона ва сарой ер мулкларини ривожлантириш тизимида (сунъий суғориш, деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик, бинокорлик, мол айирбошлаш, хизматкорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бу маҳсулотларнинг кириб келиши ҳамда тақсимланишини назорат қилиш) масъул бошқарувчи кишилар мавжуд бўлган.

Ибодатхона ва сарой хўжаликлари Марғиёна – Бақтрия аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида етакчи ўрин тутган, бу хўжаликларни шаклланган маъмурий ташкилот бошқариб турган. Шу билан бирга, деҳқончилик воҳаларида алоҳида жамоалар яшаган манзилгоҳлар аниқланган.

Бундай ёдгорликлардан бири Жанубий Ўзбекистонда жойлашган Сополлитепадир. У уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. А.Асқаровнинг маълумотларига кўра, Сополлитепа маданиятининг энг ривожланган босқичида, бу ерда 60 та кичик оиладан иборат 8 та катта патриархал оилаларнинг аъзолари яшаган[22].

Аҳолининг иқтисодий асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил этган, арпа, буғдой, тарик экилган, тоқзорлар мавжуд бўлиб, боғдорчилик ҳам ривожланган, шунингдек қўй-эчкилар ва қорамолни боқиш муҳим аҳамиятга эга бўлган[23].



Сополлитепада яшовчиларнинг ҳаётий муҳим вазифалари озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш билан боғланганва шу асосда ҳунармандчилик соҳалари (кулолчилик, бронзадан қуроқлар ясаш, заргарлик ва бошқ.) ривожланган. Тоғ олди воҳаларида аҳоли сонининг ўсиб бориши натижасида Шеробод воҳасида, ички қалъа, сарой, ибодатхона, жамоаларнинг уй – жойларидан иборат илк шаҳар – Жарқўтон вужудга келган [24]. Кўҳитанг ёнбағирларида лалмикор деҳқончиликни ривожлантириш, майда чорвани боқиш ва эҳтимол кончилик ишларини йўлга қўйиш мақсадида Пошхурд, Зарабоғ ва Қорабоғ воҳаларидабир қатор янги аҳоли масканлари пайдо бўлган [25],шунингдек Бойсун тоғи олдидаги ерлар ўзлаштирилган [26].

Археологик маълумотлар бронза даври Марғиёна ва Бактрияда қадимги Шарқ цивилизацияларига оид ижтимоий тузилишининг тараққий топишини намоён этади. У қишлоқ хўжалик жамоаси – ибодатхона – сарой мулкчилиги – илк шаҳарлар деҳқончилик ва ҳунармандчилик жамоалари йўналишида ривожланган.

Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий вилоятларида бронза даврида ижтимоий – иқтисодий муносабатлар, асосий кўринишда, давлатчилик тизимидан йироқ уруғ – қабила анъаналарига асосланиб ривожланган.

Замонбобо, Тозабоғёб ва бошқа маданиятлар мисолида мазкур анъаналарнинг намоён бўлиши мунофаа тизими, шаҳарсозлик маданияти, йирик иншоотлар – ибодатхона ва саройларнинг маълум бўлмаганлиги, бинокорлик тузилиши ва техникасининг султ даражада тараққий топиши, ибтидоий жамият тарихига оид ярим ертўлали кулбалар ва чайлалардан фойдаланиш, махсус ихтисослашган ҳунармандчиликнинг вужудга келмаганлиги ва уй (хонадон) ҳунар – касбларнинг ривожланишида кузатилади.

Эҳтимол, шу боисдан бронза даврида Хоразм воҳасида илғор технологик ихтиролар, хўжалик ва ҳунармандчилик, бинокорлик ва меъморчилик соҳаларида кашфиётлар ва янгиликларга оид амалий билимларнинг султ суръатда ёйилиши қаби ҳолатлар уруғ жамоаларига хос ишлаб чиқаришнинг устунлик қилиши билан изоҳланган[27].

Бизнингча, бу борада масалани кенгроқ ёритиш лозим. Минтақанинг жанубий вилоятлари сингари шимоли – шарқдаҳам кичик оилалардан иборат катта патриархал оилалар ажралиб, ўз мулки ва ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлган[28].Дашт шароитида устунлик қилган чорвачилик хўжалиги қабилаларни гўшт, султ маҳсулотлари жун ва тери билан таъминлаган. Чорвадорлар жамиятида уй шароитида ҳунар-касбларнинг ривожланиши (кулолчилик, йигириш, тўқимачилик) турли тарихий даврларда муҳим аҳамият касб этган. Уй – жойлар қурилишига табиий шароит, яйловларни мавсумий алмаштириш заруриятидан келиб чиққан чорвадорларнинг ярим ўтроқ турмуш



тарзи таъсир қилган. Бунда Қизилқум ва Зарафшон воҳасида кончилик ишларининг ривожланиши, металл маъданларни қазиб олиш, улов воситаларидан фойдаланиб, мис, қалай, кўрғошин хом – ашёларини жойларга етказиб бериш хусусиятларини ҳам инобатга олиш лозим.

Бундан кўриниб турибдики, дашт қабилаларининг хўжалиги, машғулоти ва ҳунар – касблари уруғ жамоаларнинг кундалик эҳтиёжларини қониқтиришга йўналтирилган ва биринчи гада уларнинг ички манфаатлари билан белгиланиб берилган. Шу қаторда дехқонлар ва чорвадорларнинг ўртасидаги иқтисодий алоқаларида хом – ашё, қимматбаҳо минераллар, бронза буюмлари, ғалла, жун ва чарм, кийим-кечак, гилам ва бошқа маҳсулотлардан ўзаро айирбошлашда фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлган.

От ва туянинг хонакилаштирилиши натижасида, йилқиччилик ва туячилик чорвачиликнинг махсус соҳаларига айланади, от, туя ҳамда эшакдан, асосан, улов воситалари сифатида фойдаланилади, ғилдирак ва аравани ихтиро қилиниши оғир юк ташишни анча енгиллаштириб, ташқи иқтисодий алоқаларга қулай имкониятлар яратди[29].

Замонбобо ва Тозабогёб маданиятларининг маконлари ва қадимги қабристон-лардан топилган археологик материаллар, жамоа вакиллари орасида катта мулкий тафовутлар аниқланмаган. Бу ҳолат мулкий ва ижтимоий табақаланиш юқори даражада бўлмаганлигидан дарак беради. Шунга ўхшаш вазият бронза даври Жанубий Тожикистон чорвадор қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий муносабат-ларини ўрганиш жараёнида ҳам аниқланган[30].

Кўриб чиқилган маълумотларга кўра, Ўрта Осиёнинг жанубий ва шимоли-шарқий вилоятлари бронза давридан фарқли равишда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривож топган. Мил. авв. III минг йилликнинг охири – II минг йиллик бошларида жанубда давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти даражасидаги жамият вужудга келган. Мазкур жараён, биринчидан жанубда жуда эрта ишлаб чиқарувчи хўжаликларнинг пайдо бўлиши ва иккинчидан миграциялар оқибатида илғор маданий, ижтимоий – иқтисодий ва давлатчилик анъаналари ёйилиши билан изоҳланади.

Минтақанинг ўзга ҳудудларида уруғ – қабила жамоаларига хос ижтимоий – иқтисодий тизим сақланиб келган. Чорвачилик ва чорвачилик – дехқончилик хўжаликлари билан шуғулланган бронза даври қабилаларининг тузуми ибтидоий жамоа муносабатларининг емирилиши босқичида бўлган. Шу боис шимоли – шарқий вилоятларда давлатчилик ва шаҳарсозлик маданияти бироз кеч вужудга келган. Шунингдек Ўрта Осиё ҳудудларида ўзига хос хусусиятлардан иборат тарихий – маданий вилоятлар ва этник ҳудудларнинг ажралиб чиқиши жараёни бошланган.

**References:**

1. Kircho L.B. Kulturnaya evolyusiya v epoxu formirovaniya rannegorodskoy sivilizatsii (po materialam raskopok Altin-depe) // Drevnie sivilizatsii Vostoka. – Tashkent: Fan, 1986. – S. 137-146.
2. Masson V.M. Altin – Depe // Tr. YUTAKE. – L.: Nauka, 1981. T.XVIII. – S. 98-100.
3. Masimov I.S. Keramicheskoe proizvodstvo epoxi bronzi v YUjnom Turkmenistane. – Ashxabad: , 1976.
4. Sagdullaev A. Qadimgi O’rta Osiyo tarixi. – Toshkent: Universitet, 2004. – B. 31.
5. Masson V.M. Altin – Depe ... S. 106.
6. Masson V.M. Ko’rsatilgan asar. S. 107.
7. O’sha asar. S. 107.
8. Francfort H.- P., Pottier M. – H. Sondage préliminaire sur l’Établissement protohistorique harapeen et post – harapéen et post – harapéen de Shortughai // Art Asiatiques, 1978. Vol. XXXIV. – P. 29-86; Gardin J. - C. Pour une géographie archéologique de la Bactriane // L’archéologie de la Bactriane ancienne. – Paris, 1985. – P. 39-46; Hiebert F.T. Origins of the Oxus civilization // Antiquity, 1994. Vol. 68. – P. 372-387; Stride S. La Bactriane á l’áge du Bronze // La Bactriane de Curus á Timour // Dossiers archeology, 1999. №247. – R. 18-23.
9. Avdiev V.I. Istoriya Drevnego Vostoka. – M.: Visshayashkola, 1970. – S. 45-49.
10. Lloyd S. Arxeologiya Mesopotamii / Per. s angl. YA.V. Vasilkova i I.S. Klochkova. – M.: Nauka, 1984. – S. 139.
11. YUsifov YU.B. Elamskie xozyaystvennie dokumenti iz Suz // VDI. – M., 1963. № 3. – S. 201-261.
12. YUsifov YU.B. Elam. Sotsialno – ekonomicheskaya istoriya. – M.: Nauka, 1968. – S. 218-219.
13. YUsifov YU.B. Elam ... S. 218, 220.
14. YAnkovskaya N.B. Zemlevladienie bolshesemeynix domovix obmçin v klinopisnix istochnikax // VDI. – M., 1959. № 1. – S. 35-51.
15. Avdiev V.I. Istoriya Drevnego Vostoka ... S. 45.
16. YUsifov YU.B. Elam... S. 248-255.
17. Sarianidi V.I. Drevnie zemledelsi Afganistana. – M.: Nauka, 1977. – S. 35, ris. 11.
18. Sarianidi V.I. Zadolgo do Zaratushtri. – M.: Stariy sad, 2010. – S. 70-71.
19. Sarianidi V.I. Drevnie zemledelsi... S. 136-137.
20. Struve V.V. Obmçina, xram, dvorets // VDI. – M. 1963. № 3. – S. 32-34.
21. Sarianidi V.I. Zadolgo do Zaratushtri... ; Sarianidi V.I., Dubova N.A. Novie grobnitsi na territorii sarskogo nekropolya Gonura // Tr. Margianskoy arxeologicheskoy ekspeditsii. – SPb., 2010. T.3. – S. 144-171.
22. Askarov A. Drevnezemledelcheskaya kultura epoxi bronzi yuga Uzbekistana. – Tashkent: Fan, 1977. – S. 150.

23. Askarov A.A. YUjniy Uzbekistan – drevneyshiy ochag selskoxozaustvennix kultur epoxi bronzi // Problemi istorii, arxeologii i etnologii Sentralnoy Azii. – Tashkent, 2018. – S. 26-29.
24. Askarov A.A., SHirinov T.SH. Rannyya gorodskaya kultura epoxi bronzi yuga Sredney Azii. – Samarkand: Institut arxeologii AN RUz, 1993. – 162 s.
25. Augustinova A. Settlement changes in the oases – Non – destructive survey in the eastern Kugitang Piedmont (Uzbekistan) // Problemi istorii, arxeologii i etnologii Sentralnoy Azii. – Tashkent, 2018. – S. 35-48
26. Sagdullaev A.S. Drevnezemledelcheskie poseleniya predgoriy Baysuntau // Istoriya i arxeologiya Sredney Azii. – Ashxabad, 1978. – S. 30-36.
- .
27. Matyaqubov X. Xorazm vohasi bronza asri va ilk temir davri tarixi. – Toshkent, 2017. – B. 113.
28. Sagdullaev A.S. Drevnezemledelcheskie poseleniya predgoriy Baysuntau // Istoriya i arxeologiya Sredney Azii. – Ashxabad, 1978. – S. 30-36.
29. Itina M.A. Vzaimodeystvie zemledelcheskix sivilizatsiy Sredney Azii s ix “varvarskoy” periferiey v epoxu bronzi // Drevnie sivilizatsii Vostoka. – Tashkent: Fan, 1986. – S.133.
- Pyankova L.T. Drevnie skotovodi YUjnogo Tadjikistana... S. 108-113.